

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ТОЛАЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТУЙЧИЕВ ИЛХОМЖОН ИБРАГИМОВИЧ**

**ЧУВИШГА ЯРОҚСИЗ БЎЛГАН ПИЛЛАЛАРНИ  
ТЎШАМАГА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.02. – “Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш”

диссертация химоясиз ихтиро патенти асосида фалсафа  
доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича

**ТАҚДИМНОМА**

**Наманган - 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2020.3.PhD/Т1846 рақами билан рўйхатга олинган

Иш Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институтида бажаришган

Тақдимнома Наманган муҳандислик технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.namnti.uz](http://www.namnti.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Валиев Гулам Набиджанович**  
техника фанлари доктори,  
катта илмий ходим

Тақдимнома ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Тақдимнома билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (420-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.)

Тақдимнома 2021 йил «18» декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «18» декабрдаги 58-рақамли реестр баённомаси).



**Р. М. Муродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Х. Т. Бобожанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда ипак курти пилласи етиштириш, чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайта ишлаш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё микёсида 2018 йилда 610 минг тонна ипак курти пилласи етиштирилган бўлиб, ҳозирда бу кўрсаткич ошганлигини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, етиштирилган пиллаларни истеъмол қилишдан олдин тозалашда иш жараёнини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ипак толасининг истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш учун дунё бозорида ипак маҳсулотларидан тайёрланаётган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини муайян даражада юксалиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ипак курти пилласи етиштиришда чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайта ишлаш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, пилла хомашёсидан самарали фойдаланиш, унинг толали чиқиндиларини иккиламчи хомашё сифатида ишлаб чиқаришга янада кўпроқ жалб қилиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ассортимент турларини кенгайтириш, таннархини камайтириш, толали чиқиндиларни дастлабки ишлаш ва қайта ишлашнинг барча босқичларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда пилла етиштиришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, йиғиштириш ва ипак курти пилласини тозалаб олишда нобудгарчиликни камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг камровли чоратадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан пиллани чуқур қайта ишлашни ташкил этиб, ипакли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, унинг энг харидоргир турлари ва дизайнини ўзлаштириш, тармоқ маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш ишларини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> <https://www.helgilibrary.com/charts/which-country-produces-the-most-silkworm-cocoons/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сонли Қарори ва «Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йилнинг 17 январдаги ПҚ-4567-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пилладан ипак олиш, табиий ипак ипларини қайта ишлаш, тўқималар ишлаб чиқариш технологиясини ва хусусиятларини тадқиқ қилиш, янги технологиялар яратиш, ипак калава ва ипак маҳсулотларини олиш технологияларини тадқиқ этиш билан хорижда В.В.Линде (Россия), В.А.Усенко (Россия), Г.Н.Кукин (Россия), М.В.Корчагин (Россия) шуғулланишган. Чувишга яроқсиз бўлган нуқсонли пиллаларни ва табиий ипак чиқиндиларини қайта ишлаш, пилланинг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва сифатини яхшилаш бўйича П.А.Осипов (Россия), Л.М.Забелоцкий (Россия), С.А.Тумаян (Россия) ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамизда пилла хомашёсидан самарали фойдаланиш, пиллаларга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайта ишлаш ва унда қўлланиладиган машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар Х.А.Алимова, М.М.Мухамедов, И.З.Бурнашев, А.И.Исаев, Ш.А.Қодиров, А.Э.Гуламов, Э.Ш.Алимбаев, О.А.Ахунбабаев, Г.Н.Валиев, Х.Х.Бобожонов, Ж.А.Ахмедов, Ш.Д.Дадажонов, А.З.Абдуллаев, А.Ю.Рахимов, У.А.Абдуллаев, Ж.С.Туйчиев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур ишларда пиллаларга дастлабки ишлов бериш, пиллаларни чувишга тайёрлашда саралаш жараёнларида ажратиб олинadиган ноқобил (чувишга яроқсиз) пиллалар, пиллалардан хом ипак ишлаб чиқариш (пилла чувиш) ва уларни қайта ишлаш (ипак эшиш, ипак тўқимачилиги) жараёнларида ҳосил бўладиган толали ипак чиқиндилари (чала чувилган пиллалар, қазнок, “струна”, “узелок”, ипак чувоқлари, ипак узуклари ва бошқалар) бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва яхши натижаларга эришилган. Лекин, бир-бирларига яқин бўлган чувишга яроқсиз пиллалар гуруҳи, қазнок, гренаж пиллалар, чала чувилган пиллалар сингари табиий ипак чиқиндиларини дастлабки ишлаш жараёнида чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшаммага қайта ишлаш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш, уларни бир хил толали масса – ипак тўшамаси ҳолатига келтириш, чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайнатиш-пишириш жараёнларини рационал параметрларини аниқлаш борасида етарли изланишлар олиб борилмаган.

**Тадқиқот мавзусини тадқиқот иши бажарилган илмий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 6-007 «Чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшамаси олиш инновацион юқори самарали ресурстежамкор технологиясини яратиш» ҳамда И-2012-15 «Чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшамаси олиш инновацион юқори самарали ресурстежамкор технологиясини «ROYAL SILK» корхонасида жорий этиш» мавзуларидаги Давлат гранти лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чувишга яроқсиз бўлган пиллалар гуруҳи, чала чувилган пиллалар, қазноқ, гренаж пиллалардан ипак тўшамаси олишнинг юқори самарали ресурстежамкор янги техника ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини қайта ишлашнинг мавжуд технологияларини таҳлил қилиш, камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича янги технология ишлаб чиқиш;

чувишга яроқсиз пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини қайта ишлаш ускуналарини таҳлил қилиш, камчиликларини аниқлаш ва янги технологияни эътиборга олган ҳолда чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшамаси олиш дастгоҳини яратиш;

чувишга яроқсиз пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини қайта ишлашга тайёрлаш учун уларни қайнатиш-пишириш жараёни параметрларини, кимёвий моддалар таркиби ва миқдорини ишлаб чиқиш;

чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшамаси олиш дастгоҳининг бош барабани игнали гарнитурасининг бурчак тебранишларини математик моделлаштириш;

чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларидан ипак тўшамаси олиш дастгоҳида синов ишларини бажариш ва натижалари бўйича уларнинг рационал параметрларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида чувишга яроқсиз пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини ипак тўшамага қайта ишлаш технологияси ва уни амалга ошириш дастгоҳи олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида технологик жараёнларнинг параметрлари ва чувишга яроқсиз пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллалардан ресурстежамкор юқори самарали ипак тўшамаси олишнинг технологик режим ва параметрлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларни ўтказиш жараёнларида математик таҳлил, назарий механика, амалий математика, тажриба натижаларини таҳлили ва математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини ипак тўшамасига қайта ишлаш учун технологик жараён босқичлари ишлаб чиқилган;

чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллалардан ипак тўшама олишни мавзуд қурилмасидан фарқли равишда бош барабани қозиклари ўрнига ингичка игнали эластик гарнитуралар ўрнатилган ва сифатли ипак тўшама олиш имкони яратилган;

чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшама олиш дастгоҳи бош барабанининг игнали гарнитурасини деформацияланиш хусусиятлари ҳамда бурчак тебранишларини ҳисобга олиб математик модели олинган;

чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллалардан ипак тўшама олиш қурилмасини технологик параметрларини оптимал қийматлари аниқланган ва илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларидан ипак тўшама олиш технологияси яратилган, технологик тизим ишлаб чиқилган, жараённинг ўтимлари бўйича технологик дастгоҳларни мос турлари аниқланган;

яратилган технологияни амалга ошириш учун чувишга яроқсиз пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллалардан ипак тўшама олиш дастгоҳи яратилган. Бунинг учун мавжуд технологик дастгоҳ такомиллаштирилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, мавжуд технологик дастгоҳнинг бош барабанининг қозиксимон гарнитураси майда игнали гарнитурга алмаштирилиб қайта қопланган, бунда игналар эластик тагликка ўрнатилган ва винт чизиғи бўйлаб жойлаштирилган;

игналарнинг рационал диаметри 0,5 мм-дан 1,7 мм-гача, афзалроғи 0,7 мм дан 1,3 мм гача бўлиши, уларни барабанда жойлаштириш параметрлари аниқланган;

чувишга яроқсиз пилла гуруҳлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларидан ипак тўшама олиш технологик дастгоҳининг оптимал технологик параметрлари ишлаб чиқарилган;

чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни, нуқсонлилик даражаси бўйича гуруҳлаштириш тавсиялари ишлаб чиқилган, унга кўра – биринчи гуруҳ: қобиклари енгил ва ўрта даражада зарарланган, чувишга яроқсиз пиллалар; - иккинчи гуруҳ: қобиклари юқори даражада зарарланган чувишга яроқсиз пиллалар; - учинчи гуруҳ: қобиклари қаттиқ қирланган юқори даражада зарарланган чувишга яроқсиз пиллалар;

нуқсонлилик даражасига мувофиқ, чувишга яроқсиз бўлган нуқсонли пиллаларни пишириш-қайнатиш режимлари ва параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг мавжуд ва амалдаги фундаментал назарияларга мос келиши, ҳисоб-китобларда стандарт усул ва воситалардан фойдаланганлиги,

тажрибалар хатолиги 5,0 %-дан ортмаслиги, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги ва юқори самарадорликка эришилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти чувишга яроқсиз бўлган пилла гурухлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини ипак тўшамасига қайта ишлаш технологияси ва дастгоҳи яратилганлиги, чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшама олиш дастгоҳи бош барабанинг игнали гарнитурасини бурчак тебранишларини математик модели олинганлиги, нуқсонлилик даражаси бўйича гурухлаштирилган чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайнатиш-пишириш режимлари ишлаб чиқилганлиги, чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшамаси олиш технологияси ва дастгоҳининг рационал параметрлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий ахамияти, янги яратилган чувишга яроқсиз бўлган пилла гурухлари, қазноқ, чала чувилган ва гренаж пиллаларини ипак тўшамасига қайта ишлаш технологияси амалга ошириш учун чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш дастгоҳи яратилганлиги, таклиф этилган янги технология ва уни амалга оширувчи ВРКВ-3МГ технологик дастгоҳини ишлаб чиқаришга жорий этилгани, бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириб, чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш учун дастгоҳни “VERIGROW IPAGI” МЧЖ шаклидаги ХКда жорий этилди ва 1 881 319 375 сўм иқтисодий самарадорлик олишга эришилди (“Ўзбекипаксаноат” Уюшмасининг 2021 йил 24 августдаги 4-2/1335-сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 17 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан 11 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 24 илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг асосий илмий иш натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 та Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг 2 та патенти олинган ва 1 та монография чоп этилган.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикасининг «Чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайта ишлаш усули» (№ IAP 04621, 2012 й.) ихтиро патенти.

UZ № IAP 04621 «Чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни қайта ишлаш усули».

UZ № FAP 00590 «Чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш учун қурилма».

**Фойдаланиш соҳаси:** ипакчилик саноати.

**Вазифаси:** чувишга яроқсиз пиллаларни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш.

**Ихтиронинг моҳияти:** чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшама олишнинг янги технологияси.

Табий ипак чиқиндиларидан йигирилган ип калава олишнинг амалдаги технологиялари бўйича нуқсонли пиллаларни қайта ишлашнинг қуйидаги усули маълум. Ушбу мавжуд технология бўйича технологик жараёнларнинг бошланишида хом ашё, яъни нуқсонли пиллаларни қирқиш йўли билан пилла қобиғи ғумбакдан ажратилади. Пилла қобиғини ғумбакдан ажратиш АКР-2 русумли пилла қирқиш агрегатларида амалга оширилади. АКР-2 агрегати бир нечта кетма-кет жойлашган технологик дастгоҳлар жамланмасидан иборат бўлиб, қўшалок пиллаларни кесиш учун АКР-2-РД, бошқа нуқсонли пиллаларни кесиш учун АКР-1-РО русумли пилла қирқиш машиналари ишлатилади. Бу машиналар бир бирларидан пиллаларни узатиш усули, дискли пичоқларнинг ўрнашиши ва габарит ўлчамлари билан фарқ қилади. Бу пилла кесиш агрегатларида кесиб ғумбагидан ажратилган пилла қобиғлари махсус аппаратларда қайнатиб пиширилади ва улар ипак массасига айлантирилади ҳамда бу ипак массасини КВ-51, ВНС-1, ВРКВ-3 сингари игнали волчокларда қайта ишлаш орқали улардан ипак тўшама олинади (1-расм). Ушбу технологик усулнинг камчилиги асосан шундан иборатки, пилла қобиғи кесилган вақтда пилланинг узлуксиз ипак ипи назоратсиз бўлакларга бўлиниб кетади. Кесиш жараёнидан кейин амалга ошириладиган пилла қобиғини қайнатиш пишириш жараёнида улар чигаллашган, турли хил узунликдаги, назоратсиз массага айланади. Бунинг натижасида кўп миқдордаги калта ипак толалари чиқиндига (очесга) чиқиб кетади ва сифатли толалар чиқиш миқдори камаяди.

Пилла чувиш корхоналарида ҳосил бўладиган қазноқ ва чала чувилган пиллалар ҳам махсус силлик юзали барабанли, қозиксимон игнали барабанли, игнали барабанли волчоклар ёрдамида қайта ишланиб улардан биринчи ва иккинчи ўтимли тўшамалар ва ляш олинади. Бу усул қуйидагича амалга оширилади (2-расм): хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган қазноқ, чала чувилган пиллалар тешик-тешик алюмин кутиларда махсус буғ камераларида 30-35 дақиқа давомида буғланади. Шундан кейин улар силлик юза барабанли волчокда қайта ишланади, натижада биринчи ўтим тўшамаси олинади. Бунинг учун буғланган қазноқларнинг бир қисми (500-550 г) тез айланаётган (1000 мин<sup>-1</sup>) силлик юзали барабанга олиб келинади ва қазноқнинг ипак толалари барабан юзасига ўралади, бундай жараён 5-6 марта




қайтарилгандан кейин барабан тўхтатилади ҳосил бўлган ипак тўшама кесиб олинади ва улар биринчи ўтим тўшамаси деб аталади.



**1-расм. Мавжуд технология тизими**


Бу тўшамалар махсус ювиш ваннасида қайнатиб ювилади, сиқилади ва қуритилади. Биринчи ўтиш тўшамаларини ишлаб чиқариш вақтида қазноқдаги барча ипак толасини тўшамага қайта ишлашнинг иложи йўқ, уларнинг маълум бир қисми ғумбақда қолади. Шунинг учун ипак толали ғумбақлар олдин қайнатиб ювилади, сиқилади ва қуритилади, кейин қозиксимон игна барабанли волчокларда қайта ишланади, улардан олинган тўшама ғумбакнинг майдаланган қисмлари билан ифлосланганлиги сабабли игна барабанли волчокларда қайта ишланади ва иккинчи ўтим тўшамаси олинади. Иккинчи ўтим тўшамалари ҳам қайнатиб ювилади, оқартирилади, сиқилади ва қуритилади. Иккинчи ўтим тўшамаси олиш жараёнида яна ипак толали ғумбакнинг майдаланган бўлаклари билан ўта ифлосланган чувалашган масса – ляш ҳосил бўлади. Ляш ипакчилик саноатида ишлатилмайди, одатда бу хом ашё кимё саноатида ишлатилади. Қазноқ ва чала чувилган пиллаларнинг қайта ишлашнинг бу усулини асосий камчилиги – жараённи оғирлиги, кўп қўл меҳнати талаб қилиниши, сифатли ипак толаси чиқишини пастлиги ҳисобланади.



**2-расм. Мавжуд технология тизими**

Юқорида ёзилган технологияларнинг камчиликларни бартараф этиш мақсадида қазнок, чала чувилган пиллалар, чувишга яроқсиз бўлган нуқсонли пиллаларни ипак тўшамасига қайта ишлашнинг янги технологияси яратилган ва бу технология Ўзбекистон Республикасини иккита патенти билан ҳимояланган.

Яратилган технологияга асосан қазнок, чала чувилган, чувишга яроқсиз, тешик, гренаж ва бошқа нуқсонли пиллалар 90-120 дақиқа давомида 95-100°C ҳароратда технологик сувда маҳсус ишлаб чиқилган рецепт асосида қайнатилади. Қайнатиш давомида пиллаларга механик таъсир ўтказиб турилади ва бу жараён пилла қобиғи толасимон массага айлангунга қадар давом этади. Бу жараённи амалга ошириш учун чувишга яроқсиз нуқсонли пиллалар 3 гуруҳга ажратилган ва ҳар бир гуруҳ учун маҳсус рецепт ишлаб чиқилган ва улар қайнатиш-пишириш жараёнида қўлланилаётган кимёвий воситалар тури, миқдори ва жараён давомийлиги билан бир-биридан фарқ қилади.



**3-расм. Чувишга ярқосиз пиллалар гуруҳи, казноқлар, чала чувилган чувишга ярқосиз пиллаларни ипакли тўшамага қайта ишлаш технология тизимининг схемаси**

Таклиф қилинган технологик жараёнлар қуйидагича амалга оширилади (3-расм): казноқ ва чала чувилган чувишга ярқосиз пиллалар биокимёвий йўл билан пиширилгандан кейин улардан ХХРда ишлаб чиқарилган «FLOSS» русумли силлиқ юза барабанли волчокда ипак тўшама олинади, бу тўшамалар қайнатиб пиширилади, ювилади, чайкалади, сиқиб қуритилгандан кейин тойланиб ипак йигириш корхонасига юборилади.

Ипак тўшама олиш жараёнида ажратиб олинган ғумбаклар қуритилади, қопланади ва балиқчилик ёки паррандачилик ўжаликларига юборилади. «FLOSS» русумли силлиқ юза барабанли волчокда ипак тўшама олиш жараёнида ипакли тўшама ва ғумбакдан ташқари ляш ҳам ҳосил бўлади. Ляш қайнатиб пиширилади, ювилади, сиқиб қуритилади ва улардан ипак тўшама олиш учун такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ волчогига ўтказилади. Чувишга ярқосиз, тешиқ, қора пачақ, оқ пачақ, гренаж ва бошқа пиллалар дастлаб нуқсонлик даражасига қараб 3 гуруҳга саралаб ажратилади. Гуруҳларни

алоҳида-алоҳида қайнатиб пишириш учун бир-бирларидан фарқ қиладиган режим ва рецептлар ишлаб чиқилган ва бу режимлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Чувишга яроксиз тешик, қора пачак, оқ пачак, гренаж ва бошқа пиллаларни гуруҳлари бўйича пишириш рецепт ва режимлари

Гуруҳнинг тартиб рақами	Технологик операциянинг номланиши	Ишлов бериш режими		Ванна таркиби	
		Харорат, °С	Давомийлиги, дақиқа	Кимёвий моддалар	Миқдори, г/л
Биринчи гуруҳ	Пишириш	95,0-100,0	90,0	40 %-ли олеин совуни Кальцийлан. сода	15,0/7,5 3,0/1,5
	Биринчи ювиш	65,0-70,0	20,0	25,0 %-ли нашатир спирти ёки натрий гекометофосфат	2,0 1,0
	Иккинчи ювиш	20,0-25,0	20,0	-	-
	Жараённинг умумий давомийлиги – 130 дақиқа				
Иккинчи гуруҳ	Пишириш	95,0-100,0	90,0	40 %-ли олеин совуни Кальцийлан. сода	15,0/7,5 3,0/1,5
	Биринчи ювиш	60,0-70,0	20,0	25,0 %-ли нашатир спирти ёки натрий гекометофосфат	2,0 1,0
	Иккинчи ювиш	45,0-55,0	20,0	25,0 %-ли нашатир спирти ёки натрий гекометофосфат	2,0 1,0
	Учинчи ювиш	20,0-25,0	25,0	-	-
	Жараённинг умумий давомийлиги – 155 дақиқа				
Учинчи гуруҳ	Пишириш	95,0-100,0	120,0	40 %-ли олеин совуни Кальцийлан. сода Натрий гидросульфат	15,0/7,5 3,0/1,5 0,4
	Биринчи ювиш	60,0-70,0	20,0	25,0 %-ли нашатир спирти ёки натрий гекометофосфат	2,0 1,0
	Иккинчи ювиш	55,0-65,0	20,0	25,0 %-ли нашатир спирти ёки натрий гекометофосфат	2,0 1,0
	Учинчи ювиш	30,0-40,0	25,0	-	-
	Жараённинг умумий давомийлиги – 185 дақиқа				

Гуруҳларга ажратилган ипак чиқиндилари гуруҳлари бўйича тегишли режим ва рецептлар бўйича (1-жадвал) қайнатилиб пиширилади, ювилади, чайқалади, сиқилади ва қуритилади. Қуритиб тайёрланган ипак массалари такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ волчогида қайта ишланади ва ипакли масса ипак момига (тўшамасига) айлантирилади ва улар тойланиб ипак йигириш корхоналарига юборилади. Ипак чиқиндиларини қайнатиб пишириш ва қайта ишлаш жараёнларида олинган ғумбаклар эса қуритилгандан кейин қопланиб балиқчилик ва паррандачилик хўжалиқларига юборилади.

Шундай қилиб, яратилган янги технологиянинг анъанавий технологиядан афзаллиги шундан иборатки, бу технология бўйича нуқсонли пиллаларнинг қобиғи кесилмайди, бунинг натижасида йигирув корхоналарида уларни қайта ишлаш жараёнида чиқиндига чиқиб кетадиган калта толаларнинг миқдори кескин камаяди ва сифатли ипак толалари миқдори кўпаяди. Шунингдек янги технологияни жорий этилиши натижасида мавжуд технология технологик

Ўтимларини қисқаришини таъминлайди. Яратилган янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

товар маҳсулот чиқиши ошади;

чувишга яроқсиз бўлган нуқсонли пиллаларни ипак тўшамасига қайта ишлаш натижасида маҳсулот сифати яхшиланади;

нуқсонли, чувишга яроқсиз пиллаларни қайта ишлаш жараёнида ғумбакни майдаланиб кетиши камаяди, бутун ғумбак (товарная куколка) чиқиши кескин ортади;


бир нечта технологик жараёнлар қисқаради;

энергияресурслар тежаллади;

йигирув корхонасида ишлаб чиқарилаётган ипак калава сифати амалдаги технология бўйича олинаётган ипак калавага нисбатан яхшиланади;

йигирув корхонасида меҳнат унумдорлиги ортади.

Чувишга яроқсиз нуқсонли пиллалардан ипак тўшамаси олиш технологиясини ишлаб чиқиш давомида технологик жараёнларда қўлланиладиган, корхоналарда мавжуд бўлган ВРКВ-3 технологик дастгоҳи такомиллаштирилди ва барча синов ишлари тугатилгандан кейин улар корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Демак, яратилган технология бўйича такомиллаштириш (реконструкция) объекти сифатида, корхоналарда мавжуд бўлган ВРКВ-3 технологик дастгоҳи қабул қилинди.




1-бош барабан; 2-тахта қоплама; 3-қозиксимон игнали планка; 4-қозиксимон игна.

**4-расм. Мавжуд ВРКВ-3 технологик дастгоҳининг бош барабанининг игнали қопламаси фрагменти**

ВРКВ-3 технологик дастгоҳининг асосий ишчи органи, бу унинг бош барабани ҳисобланади. Бош барабанининг усти тахта тўшама билан қопланган ва унга қозиксимон игналар маҳкамланган. Янги волчокда дастгоҳнинг худди шу органи модернизация қилинган. Мавжуд ВРКВ – 3 технологик дастгоҳининг бош барабанининг фрагменти 4-расмда келтирилган.

Мавжуд ВРКВ-3 волчокининг асосий камчилиги тўшамалар чиқишининг юқори эмаслиги ва уларнинг сифати пастлигидир. Бунинг асосий сабаби, асосий барабандаги игналарнинг катталиги ва қаттиқлиги бўлиб, пиллалардан толалар оз миқдорда илиб кетилади. Оқибатда толалар етарли даражада паралеллаштирилмайди ва тозаланмайди. Шундан келиб чиққан холда ишланманинг мақсади – пилла толаларини илиб кетиш даражасини ошириш ва тозаланишини яхшилаш йўли билан тўшама чиқишини ва сифатини ошириш.


Ушбу мақсаддан келиб чиққан холда институт мутахассислари томонидан амалдаги ВРКВ-3 волчоги тубдан такомиллаштирилди. Қуйидаги 5-расмда такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ волчогининг технологик схемаси келтирилган.



1-технологик дастгоҳ қобиғи; 2-дастгоҳнинг бош барабани; 3-игна; 4-қабул қилувчи панжара; 5-қабул қилувчи валик; 6-ишчи игнали валик; 7-ишчи шетка; 8-резина тўқима; 9-резина қатлам; 10-винт чизиғи; 11-пичок; 12-чиқарувчи транспортер.

**5-расм. Чувишга яроқсиз пиллалар, қазнок, чала чувилган яроқсиз пиллаларни ипакли тўшамага қайта ишловчи такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ русумли волчокни технологик схемаси**


Ушбу такомиллаштирилган волчокда модернизация ишлари асосан волчокнинг асосий ишчи органи ҳисобланган барабанда ва игнали валикларда олиб борилган. Амалдаги мавжуд волчокларда ишчи барабани қозиксимон қаттақ игналар билан қопланган ва бу волчоклар сдор гуруҳидаги ипакли чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган эди. Бу волчоклардан бошқа турдаги, мисол учун чувишга яроқсиз пиллаларни қайта ишлашда фойдаланиш учун уларни игналарини ўзгартириш керак бўлади ва шу мақсадда мавжуд волчоклар такомиллаштирилди. Бунинг учун мавжуд волчокларнинг бош барабани юмшоқ резина тўшама билан қопланди ва уларнинг қозиксимон игналари ингичка игналар билан алмаштирилди. 6-расмда модернизация қилинган ВРКВ-3МГ технологик дастгоҳи бош барабанининг фрагменти келтирилган.



1-бош барабан;  
2-резинали тўшама;  
3-резина қатлам;  
4-игна

**6-расм. Такومиллаштирилган ВРКВ-3МГ технологик дастгоҳининг бош барабанини игнали қопламаси фрагменти**


Такомиллаштирилган ВРКВ-3 технологик дастгоҳининг бош барабанининг қозиксимон игнали тўшамаси 7-расмда келтирилган игнали тўшамага алмаштирилди.




7-расм. Такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ волчоги барабанига қопланган игнали тўшаманинг схемаси

7-расмда келтирилган схемадан кўришиб турибдики волчок игналари -4 резина тўшама -2ларга резинали қатлам -3лар орқали маҳкамланган. Бу мослама игналар эластиклигини таъминлайди ва уларни ипак толаларини ушлаш бурчагини катталаштиради, натижада ипак толаларини волчок барабани юзасига ўтиши кўпаяди. 8-расмда - игнали гарнитурани бажариш варианты, 9-расмда – игналарни бажариш варианты келтирилган.

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтида такомиллаштирилган чувишга яроқсиз пиллалар, қазнок, чала чувилган яроқсиз пиллалардан ипак тўшамаси олиш янги дастгоҳида қобик -1да барабан -2 ўрнатилган бўлиб, у игна -3лар билан қопланган (5-расм). Шунингдек дастгоҳда таъминловчи панжара -4, таъминловчи игнали валик -5 ўрнатилган. Барабан -2ни устида, толани ғужанак бўлақларини кўшимча тараб юмшатиш учун мўлжалланган, игнали ишчи валик -6 ўрнатилган, у билан думалоқ шетка -7 ўзаро ҳаракатда бўлади. Барабан -2 майда игнали гарнитура билан қопланган, бунда игна -3лар, масалан, бир неча қатлам резинали тўқима -8 ва резина қатлами -9 дан иборат бўлган, эластик тагликда ўрнатилган ва винт чизиғи -10 бўйлаб жойлаштирилган (8-расм).



8-расм. Такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ волчогидаги игнали гарнитураларни бажарилиш варианты



9-расм. Такомиллаштирилган ВРКВ-3МГ волчогидаги игналарнинг бажарилиш варианты

Игнали ишчи валик -6 майда игнали гарнитура билан қопланган бўлиши мумкин, бунда игналар эластик тагликда ўрнатилган (9-расм) ва винт чизиғи бўйлаб жойлаштирилган. Игналар диаметри  $d=0,5$  мм дан  $1,7$  мм гача, бўлиши мумкин, масалан  $1,1$  мм. Игналар винт чизиклари бўйлаб жойлаштирилган, бунда игналар шундай жойлаштирилганки, винт чизиклари оралиғи  $P_{ВЛ}$  куйидагича:

$$P_{ВЛ} = (0,5 \div 2)B_C, \quad (1)$$

бу ерда:  $B_C$  – қўш игна эни.

Масалан, бир хил қадамли винт чизиклари бўйлаб  $P_{ВЛ} = 1B_C$  ёки оралаган қадамли винт чизиклари бўйлаб  $P_{ВЛ} = 1B_C$  ва  $P_{ВЛ} = 2B_C$  ёки  $P_{ВЛ} = 0,5B_C$  ва  $P_{ВЛ} = 1B_C$ .

Бундан ташқари, игналар шундай жойлаштирилганки, горизонтал игна қаторлари қадами  $Ш_{МП}$  куйидагича:

$$Ш_{МП} = (0,25 \div 1)B_C \quad (2)$$

Масалан, горизонтал игна қаторлари қадами  $Ш_{МП} = 0,25B_C$ ,  $Ш_{МП} = 0,5B_C$ , ёки  $Ш_{МП} = 1B_C$ .

Шунингдек, игналар шундай жойлаштирилганки, ўқ бўйлаб қўшни қатордаги игналар орасидаги кадам  $Ш_о$  куйидагича:

$$Ш_о = (0,25 \div 0,75)B_C. \quad (3)$$

Масалан, ўқ бўйлаб қўшни қатордаги игналар орасидаги кадам  $Ш_о = 0,25B_C$ , ёки  $Ш_о = 0,5B_C$ , ёки  $Ш_о = 0,75B_C$ .

Таъминловчи валик -5 ва барабан -2 оралиғида, шпинделда пичоқ -11 ўрнатилган (5-расм). Барабан -2дан толани ажратиб олиш учун дастгоҳда чиқариб олиш мосламаси мавжуд. У чиқарувчи транспортёр -12 ёки бир жуфт чиқарувчи тишли цилиндрлар шаклида бажарилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтида яратилган чувишга яроқсиз пиллалар, одонкалар ва чала чувилган яроқсиз пиллаларни ипакли тўшамаларга қайта ишлаш дастгоҳи куйидагича ишлайди. Пиширилган (қайнатилган) пиллалар таъминловчи панжара -4га бир теккис қатлам қилиб ёйилади, у хом ашёни таъминловчи игнали валик -5га элтиб беради. Ўз навбатида игнали валик -5 толани, игнали гарнитура билан қопланган, тез айланаётган барабан -2га узатиб беради. Таъминловчи валик -5 ва барабан -2 оралиғида ўрнатилган пичоқ -11 валик -5дан чиқаётган толаларни ушлаб туради. Пичоқ -11ни силжитиб пичоқ -11 ва барабан -2даги игналар оралиғини ўзгартириш ва шунинг билан толаларни тараб юмшатиш даражасини ростлаш мумкин.


Шетка -7 толани ишчи валик -6дан чиқариб олади ва уни асосий барабан -2га узатади. Асосий барабан -2 тобора ўз игнали гарнитурасига, тўшама хосил қилиб, толаларни йиғади. Ипакли толаларнинг маълум бир миқдори йиғилгандан сўнг дастгоҳ ишлаши тўхтатилади, тўшама, ўткир илгич-пичоқ



билан барабан -2ни эни бўйлаб, игналар йўқ жойдан, кесилади. Тўшамани бир учи чиқарувчи транспортёр -12 га кўйилади, у ишга туширилади ва тўшама барабандан чиқариб олинади.

Чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшамаси олиш янги дастгоҳига Ўзбекистон Республикасини патенти олинган. 2011 йил республика ихтирочилик танловида “Чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш учун қурилма” фойдали моделга “Энг яхши фойдали модел” номинацияси бўйича II-даражали Диплом олинган.

Бажарилган модернизация ишларини назирий жихатдан асослаш мақсадида модернизация қилинган ВРКВ-3МГ волчоги бош барабаннинг игнали гарнитурасини бурчак тебранишларини математик моделлаштириш ҳисоб китоб ишлари амалга оширилди. Бунинг учун дастлаб бош барабаннинг кинематик ва ҳисоб схемаси тузиб чиқилди. ВРКВ-3МГ волчогининг бош барабани диаметри 0,900 м бўлиб, айланиш тезлиги  $200 \text{ мин}^{-1}$  ни ташкил этади. 10-расмда ВРКВ-3МГ волчоги бош барабанига ҳаракат узатилишининг кинематик схемаси келтирилган.




1-юритгич,  $P=3,0 \text{ кВт}$ ,  $n=1450,0 \text{ мин}^{-1}$ ; 2-тасмали узатма,  $U_{\text{юб}}=7,25$ ; 3-бош барабан.

**10-расм. Қурилманинг кинематик схемаси**

Унга асосан электр юритгичнинг қуввати  $3,0 \text{ кВт}$  бўлиб, айланиш частотаси  $1450 \text{ мин}^{-1}$ га тенг. Юритгичдан ҳаракат тасмали узатма орқали игнали бош барабанга узатилади, узатиш нисбати  $7,25$  га тенг. Тавсия этилаётган янги қурилманинг асосий вазифаси табиий ипак чиқиндилари, жумладан, чувишга яроқсиз пиллалар, чала чувилаган пиллалар ва қазноқлардан ипак иплари параллел таралган, тоза ва оқартирилаган ипак момиғи тўшамасини олиш ҳисобланади. Мавжуд технологик дастгоҳларда буни иложи йўқ, чунки ипак чиқиндилари толаларини қозисимон, қаттиқ игналар билан юлиб олиш вақтида туганаклар, калта толалар ҳосил бўлади. Шунинг учун таклиф этилаётган усулда игнали гарнитура бош барабаннинг тахтали таглиги билан резинали втулка орқали бирлаштирилган. Бунинг натижасида илиб олинган толалар тўпламлари тебраниш резинали втулка йўналишида деформацияланади, қайшқоқлик кучи таъсирида тебранади. Бу эса толалар параллел бўлиб ажралиши натижасида сифатли маҳсулот олинишини

таъминлайди. Бунда игнали гарнитурани керакли бурчак силжиши ва тезлигида тебранишни аниқлаш мақсадида барабанинг харакатини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун игнали барабан, узатувчи механизм ва юритгични ҳисобга олган ҳолда 11-расмда келтирилган ҳисоблаш схемаси ишлаб чиқилди.



Ю-юритгич; Б-барабан; Г-гарнитура.

11-расм. Барабан харакатини ифодаловчи ҳисоб схемаси

Энди игнали гарнитурани барабан харакатини ифодаловчи математик моделни олишни кўриб чиқамиз. Маълумки айланувчи массаларни харакатини фарқлашда математик моделлар алоҳида массаларга ажратилади, ҳар бир масса учун умумлашган координата белгиланади. Массаларни ажратишда айланма бикрлиги кичик бўлган бўғинлар орқали ажратилади. Кўрилаётган системада қайишқоқ элементлар, тасмали узатма ва игнали гарнитуранинг резинали втулкаси инобатга олинади. Шунинг учун юритма роторини инобатга олиб, ҳисоб схемаси 11-расмда кўрсатилгандай 3 массали қилиб олинган. Харакатнинг ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини Лагранжнинг II-тартибли тенгласидан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$\frac{d}{dt} \left( \frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}_i} \right) - \frac{\partial T}{\partial \varphi_i} + \frac{\partial \phi}{\partial \dot{\varphi}_i} + \frac{\partial \Pi}{\partial \varphi_i} = Q(\varphi_i) \quad (4)$$

Бу ерда  $\varphi_i, \dot{\varphi}_i$  – умумлашган координата ва унинг тезлиги,  $T, \Pi$  – система кинетик ва потенциал энергиялари,  $\phi$  – Рэлейнинг диссипатив функцияси,  $Q(\varphi_i)$  – умумлашган кучлар.

Олинган ҳисоб схемасига кўра Лагранж тенгламаларини ҳар бир умумлашган координата, яъни ротор, барабан ва игнали гарнитуранинг бурилиш бурчаклари бўйича аниқлаймиз. Бунда системанинг кинетик энергияси:

$$T = \frac{\mathfrak{J}_p}{2} \left( \frac{d\varphi_\text{Ю}}{dt} \right)^2 + \frac{\mathfrak{J}_\text{Б}}{2} \left( \frac{d\varphi_\text{Б}}{dt} \right)^2 + \frac{\mathfrak{J}_\text{Г}}{2} \left( \frac{d\varphi_\text{Г}}{dt} \right)^2 \quad (5)$$

бу ерда  $\mathfrak{J}_p, \mathfrak{J}_\text{Б}, \mathfrak{J}_\text{Г}$  – юритгич ротори, игнали барабан, ҳамда игнали гарнитура инерция моментлари ва  $\varphi_\text{Ю}, \varphi_\text{Б}, \varphi_\text{Г}$  – уларнинг бурчак тезликлари. Система потенциал энергияси ва диссипатив функцияси:

$$\begin{aligned} \Pi &= \frac{c_1}{2} (\varphi_{ю} - U_{юб} \varphi_б)^2 + \frac{c_2}{2} (\varphi_б - U_{бэ} \varphi_э)^2 \\ \Phi &= \frac{\epsilon_1}{2} \left( \frac{d\varphi_{ю}}{dt} - U_{юб} \frac{d\varphi_б}{dt} \right)^2 + \frac{\epsilon_2}{2} \left( \frac{d\varphi_б}{dt} - U_{бэ} \frac{d\varphi_э}{dt} \right)^2 \end{aligned} \quad (6)$$

бу ерда  $c_1, c_2, \epsilon_1, \epsilon_2$  – тасмали узатма ва барабан резинали втулкасининг бикрлик ва диссипация коэффициентлари. Улар куйидаги ифодалардан фойдаланиб аниқланди:

$$c = \frac{4aR^2EF}{l_p}; \quad \epsilon = \frac{\psi c}{2\pi(2\pi/T)}$$

бу ерда  $a$  – тасманинг бошланғич харакатини ифодаловчи коэффициент,  $R$  – шкив радиуси,  $F$  – тасма кесим юзаси,  $E$  – қайишқоклик модули,  $l_p$  – тасма узунлиги,  $\psi$  – илашиш режими коэффициентлари,  $T$  – тебраниш даври.

Тегишли хосилаларни амалга ошириб система харакат тенгламаларини системасини аниқлаш мумкин:

$$\begin{aligned} M_{ю} &= f(\dot{\varphi}_{ю}); \\ \mathfrak{I}_{ю} \frac{d\varphi_{ю}}{dt^2} &= M_{ю} - \epsilon_1 \left( \frac{d\varphi_{ю}}{dt} - U_{юб} \frac{d\varphi_б}{dt} \right) - c_1 (\varphi_{ю} - U_{юб} \varphi_б) \\ \mathfrak{I}_{б} \frac{d^2\varphi_б}{dt^2} &= U_{юб} \epsilon_1 \left( \frac{d\varphi_{ю}}{dt} - U_{юб} \frac{d\varphi_б}{dt} \right) + U_{юб} c_1 (\varphi_{ю} - U_{юб} \varphi_б) - \\ &- \epsilon_2 \left( \frac{d\varphi_б}{dt} - U_{бэ} \frac{d\varphi_э}{dt} \right) - c_2 (\varphi_б - U_{бэ} \varphi_э) - M_{инн}; \\ \mathfrak{I}_{э} \frac{d^2\varphi_э}{dt^2} &= U_{бэ} \epsilon_2 \left( \frac{d\varphi_б}{dt} - U_{бэ} \frac{d\varphi_э}{dt} \right) + U_{бэ} c_2 (\varphi_б - U_{бэ} \varphi_э) - \\ &- (M_{\dot{y}} + M_o \sin \omega t) \end{aligned} \quad (9)$$


бу ерда  $M_{ю} = f\left(\frac{d\varphi_{ю}}{dt}\right)$  – юритгич механик характеристикаси,  $M_{инн}$  –

ишқаланиш кучлари моменти;  $M_{\dot{y}}, M_o$  – пилла чиқиндиларини титишдаги қаршилиқ кучлари моментини ўртача қиймати ва унинг ўзгарувчан ташкил этувчиси амплитудаси,  $\omega$  – қаршилиқни ўзгариш частотаси.

Масалани сонли ечими ва натижалар тахлили олинган (9) дифференциал тенгламалар системасини сонли ечимини титиш ва тараш узатмасининг параметрларини дастлабки қийматларида амалга оширилди, бу ерда  $t = 0$ ;  $\dot{\varphi}_{ю} = 0$ ;  $\dot{\varphi}_б = 0$ ;  $\dot{\varphi}_э = 0$ ;  $M_{ю} = 0$ ;  $P_{ю} = 3,0$  кВт;  $n_{ю} = 1450$  айл/мин,  $U_{юб} = 7,25$ ;  $U_{бэ} = 1,0$ ;  $h_б = 10$  мм; резина маркаси – 3МБ-А-М;  $D_б = 0,9$  м;  $h_{pad} = 28$  мм;  $h_a = 19$  мм;  $d_u = 1,2$  мм;  $c_1 = (300 \div 350)$  нм/рад;  $c_2 = (150 \div 150)$  нм/рад;  $\epsilon_1 = (4,5 \div 5,0)$  нс/рад;

$\omega_2=(2,0\div 2,2)$  нс/рад;  $M_y=(18\div 12)$  нм;  $M_o=(0,8\div 1,2)$  нм;  $\mathfrak{S}_p=0,0241$  кгм<sup>2</sup>;  $\mathfrak{S}_o=2,41$  кгм<sup>2</sup>;  $\mathfrak{S}_e=0,32$  кгм<sup>2</sup>.

Назарий тадқиқотларни асосий мақсади бош барабаннинг игнали гардиши (гарнитурасини) бурчак тебранишларини мос равишда амартизатор ролини ўйнайдиган резинали втулкани бикрлигига ҳамда гарнитура массасига ва иш унумига, яъни пилла чиқиндиларини таъсир қилувчи қаршилик кучлари моментига боғлиқликларини аниқлашдан иборат. Таҳлиллар асосида ушбу параметрларнинг мақбул қийматларини тавсия этиш муҳим ҳисобланади. Масалани сонли ечимини аниқлашда барабан ва игнали гарнитуранинг ҳаракат қонунларининг ифодаловчи графиклар олинди.



$\varphi - c_2 = 90 \text{ нм} / \text{рад}$ ,  $\varphi - c_2 = 115 \text{ нм} / \text{рад}$ ,  $\varphi - c_2 = 140 \text{ нм} / \text{рад}$ ;

12-расм. Барабан ва игнали гарнитура бурчак тезликлари ўзгариш қонуниятлари


12-расмда олинган  $\dot{\varphi}_6$  ва  $\dot{\varphi}_e$  – ўзгариш қонунлари келтирилган.

Уларни таҳлиliga асосан, таъкидлаш лозимки резинали втулкани айланма деформацияланиши ҳисобига игнали гарнитура бурчак тезлиги барабан бурчак тезлигига нисбатан тегишлича фазовий силжишга эга бўлади. Шунинг билан бирга барабан бурчак тезлиги тебраниш амплитудасига нисбатан игнали гарнитура бурчак тезлигини тебраниш амплитудаси каттароқ бўлади. Бунда уларнинг фарқи асосан резинали втулканинг бикрлиги қийматига боғлиқ

бўлади. Бунда асосий тебраниш мажбурий бўлиб, ташқи қаршилиқ кучи моментини ўзгаришига тўғридан-тўғри боғланган бўлади.

13-расмда титиш ва тараш ускунасининг барабани ва игнали гарнитуранинг бурчак тезлиги ва тебраниш камровларини ўзгаришини ипак чиқиндиларидан келатган қаршилиқ кучларининг моментига боғлиқлик графиклари келтирилган. Графиклар тахлилига кўра қаршилиқ momenti  $0,033 \cdot 10^2$  нмдан  $0,3 \cdot 10^2$  нмгача ортишида барабан бурчак тезлиги  $\mathfrak{S}_2 = 0,35 \text{ кгм}^2$

бу ҳолда  $\dot{\varphi}_6$  қийматлари  $1,38 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$  дан  $1,96 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$  гача нозикли коэффициентга кўпайса  $\mathfrak{S}_2 = 0,25 \text{ кгм}^2$  берилганида  $\dot{\varphi}_6$  қийматлари  $1,42 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$  дан  $2,1 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$  гача ортар экан. Мос равишда игнали гарнитура бурчак тезлиги қийматлари  $1,98 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$  гача кўтарилади, яъни қаршилиқни ортиши ва инерция моментини камайиши билан  $\Delta\dot{\varphi}_6$  ва  $\Delta\dot{\varphi}_2$  қийматлари ҳам ортади, лекин  $\dot{\varphi}_6$  ва  $\dot{\varphi}_2$  қийматлари камаяди.




$$1,3 - \Delta\dot{\varphi}_2 = f(M_y); 2,4 - \Delta\dot{\varphi}_6 = f(M_y); 5,6 - \dot{\varphi}_6 = f(M_y); 7,8 - \dot{\varphi}_2 = f(M_y);$$

$$2,4,6,8 - \mathfrak{S}_2 = 0,3 \text{ кгм}^2; 1,3,5,7 - \mathfrak{S}_2 = 0,25 \text{ кгм}^2$$

**13-расм. Титиш ва тараш ускунасининг барабани ва игнали гарнитуранинг бурчак тезланиши ва тебраниш камровларини ўзгаришини ипак чиқиндиларидан келатган қаршилиқ кучларининг моментига боғлиқлик графиклари**

Тажриба тадқиқотлари натижаларига кўра  $\Delta\dot{\varphi}_r$  игнали гарнитура тебранишлари  $(2,0 \div 2,8) \text{ с}^{-1}$  оралиғида бўлиши пилла чиқиндиларини етарли даражада титади ва толаларга ажратади. Шунинг учун иш унумини қийматлари  $M_y \leq (2,0 - 2,5) \text{ нм}$  оралиғида бўлиши тавсия этилади.

$$\Delta\dot{\varphi} \quad \dot{\varphi}, 10 \text{ с}^{-1}$$




$$1 - \dot{\varphi}_\sigma = f(c_2); 2 - \dot{\varphi}_z = f(c_2); 3 - \Delta \dot{\varphi}_z = f(c_2); 4 - \Delta \dot{\varphi}_\sigma = f(c_2)$$

**14-расм. Титиш ва тараш ускунасининг барабани ва игнали гарнитуранинг бурчак тезлиги ва тебраниш қамровларини ўзгаришини барабаннинг резина втулкаси бикрлик коэффициентлари ўзгаришига боғлиқлик графиклари**

Юқорида таъкидланганидек титиш ва тараш ускунасининг барабани ва игнали гарнитуранинг бурчак тезлиги ва тебраниш қамровини ўзгаришини барабаннинг резинали втулкаси бикрлик коэффициентлари ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилига кўра резинали втулкалар айланма бикрлик коэффициенти  $0,6 \cdot 10^2$  нм/рад-дан  $1,6 \cdot 10^2$  нм/рад-гача кўпайса,  $\dot{\varphi}_\sigma$  қийматлари  $20,6 \text{ с}^{-1}$ дан  $17,8 \text{ с}^{-1}$ гача  $\Delta \dot{\varphi}_z$  эса  $19,54 \text{ с}^{-1}$ дан  $17,05 \text{ с}^{-1}$ гача камайишини кўриш мумкин. Резина бикрлигини ортиши билан  $\dot{\varphi}_\sigma$  ва  $\Delta \dot{\varphi}_z$  фарқи ҳам камайиб боради (12-расм ва 14-расм, 1, 2 -графиклар). Игнали гарнитура тебранишлари  $(2,0 \div 2,8) \text{ с}^{-1}$  оралиғида бўлиши учун резинали втулка айланма баландлиги коэффициенти қиймати  $(0,8 \div 1,0) \cdot 10^2$  нм/рад оралиғида бўлиши тавсия этилади.

15-расмда келтирилган графиклардан кўриниб турибдики игнали гарнитура массаси қанча юқори бўлса, унинг бурчак тебраниши шунчага камаяди.



$$1 - c_2 = 1,2 \cdot 10^2 \text{ нм/рад}; v_2 = 1,8 \text{ нмс/рад}; 2 - c_2 = 1,5 \cdot 10^2 \text{ нм/рад}; v_2 = 2,2 \text{ нмс/рад}$$

**15-расм. Барабан игнали гарнитурасини бурчак тезлигини тебраниш қамровини унинг инерция моментиға боғлиқлик графиклари**

Демак, игнали гарнитура бурчак тезлигини тебранишларини керакли қийматларини олиш учун унинг инерция моменти қийматларини  $(0,3 \div 0,35)$  кг·м<sup>2</sup> оралиғида танлаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса чувишга яроқсиз пилла, чала чувилган пилла ва қазноқ сингари чиқиндиларни етарли даражада титилишига, параллел толаларга ажралишига имкон беради.

Ўтказилган илмий тадқиқот ишининг натижалари “ROYAL SILK” Маъсуляти Чекланган Жамияти ва “VERIGROW IPAGI” Маъсуляти Чекланган Жамияти шаклидаги Хориж корхонасида ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинган. “VERIGROW IPAGI” Маъсуляти Чекланган Жамияти шаклидаги Хориж корхонасида тадқиқот натижаларини жорий этиш натижасида 1 881 319 375 сўм иқтисодий самарадорлик олинган.

## ХУЛОСА

Чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, казнок, чала чувилган ва гренаж пиллаларни, тола узунлиги юқори бўлган ва бир тартибда жойлашган, сифати яхшилانган тола массасига – ипак тўшамасига қайта ишлаш технологияси яратилди, технологик тизим ишлаб чиқилди ва ўтимлари бўйича технологик дастгоҳ ва ускуналарни мос турлари аниқланди.

2. Янги технологияни амалга ошириш учун чувишга яроқсиз бўлган пилла гуруҳлари, казнок, чала чувилган ва гренаж пиллаларини ипак тўшамасига қайта ишлаш технологиясини амалга ошириш учун чувишга яроқсиз бўлган пиллаларни тўшамага қайта ишлаш дастгоҳи яратилди. Янги технологик дастгоҳнинг барабани майда игнали гарнитура билан қопланган, игналар эластик тагликка ўрнатилган ва винт чизиғи бўйлаб жойлаштирилган.

3. Барабан майда игнали гарнитура билан қопланиши, игналар эластик тагликка ўрнатилиши ва винт чизиғи бўйлаб жойлаштирилиши ҳисобига пилла ипининг узилиши камаяди, толани илиб кетиш даражаси ошади ва тозаланиши яхшиланади, натижада ипак тўшамаси (маҳсулот) чиқиши ошади ва сифати яхшиланади.

4. Чувишга яроқсиз бўлган пиллалардан ипак тўшама олиш дастгоҳининг бош барабанни игнали гарнитураси ва юритгич ротори ҳаракат қонунини ифодаловчи математик модел олинди ва унинг асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

– титиш ва тараш ускунасининг барабани ва игнали гарнитуранинг бурчак тезлиги ва тебраниш камровини ўзгаришини ипак чиқиндиларидан келаётган қаршилиқ кучларининг моментига боғлиқлик графиклари ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра  $\Delta\dot{\varphi}_r$  игнали гарнитура тебранишлари  $(2,0\div 2,8)$   $\text{с}^{-1}$  оралиғида бўлиши пилла чиқиндиларини етарли даражада титиши ва толаларга ажратиши аниқланди, шунинг учун иш унумини қийматлари  $M_{\varphi} \leq (2,0-2,5)$  нм оралиғида бўлиши тавсия этилди;

